



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор

А.К. Шадманов

«18» ноябрь 2020 йил

**Тошкент тиббиёт академияси ректорат кенгаши (он-лайн)
йигилишининг
1-сонли БАЁНИ**

Тошкент шаҳар

«17»ноябрь 2020 йил

Раислик қилувчи: А.К.Шадманов

Тошкент тиббиёт академияси

ректори, профессор

Тошкент тиббиёт

академиясининг ректорат

кенгаши аъзолари (рўйхат

бўйича)

Қатнашдилар:

- КУН ТАРТИБИ**
1. Тиббий - педагогика факултети кафедраларида масофавий ўқитиш шароитида ўқув жараёни ҳолати, тахлили ва муаммолари
Маърузачи –тиббий - педагогика факултети декани А.А.Хамраев
 2. Клиник ординатурада ўқув, ўқув-услубий ва тарбиявий ишларнинг ҳолати, камчиликлар ва истиқбол режалари
Маърузачи –Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов
 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус юзасидан талабалар билан онлайн тарзда олиб борилаётган ишлар
Маърузачи –Ёшлар билан ишлаш проректори Т.А. Бобомуратов
 4. Турли масалалар.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р И

1. Кун тартибининг биринчи масаласи “Тиббий-педагогика факултети кафедраларида масофавий ўқитиш шароитида ўқув жараёни ҳолати, таҳлили ва муаммолари” бўйича тиббий-педагогика факултети декани А.А.Хамраевнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

1.1. Пандемия даврида анъанавий ўқитиш тизимиға ўтилиши муносабати билан барча кафедраларда талабалар ва профессор-ўқитувчиларни соглигини сақлаш ва Covid-19 касаллигини олдини олиш мақсадида яратилган барча шарт-шароитлар, шунингдек талабалар давомати юзасидан факултет деканлари ва кафедра мудирлари томонидан назорат чоралари кучайтирилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов,
Ўқув - услубий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет
деканлари, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

1.2. Covid-19 инфекциясининг 2-тўлқинини инобатга олган ҳолда барча кафедраларда анъанавий ўқитиш билан биргаликда магистратурада ижтимоий-гуманитар фанлар, бакалавриатда маъруза, баъзи гуруҳ талабалари учун (ҳомиладор, З ёшгача фарзанди бор аёллар, ногиронлар ва сурункали касаллиги мавжуд бўлганлар-ихтиёрий) Moodle платформасида масофавий ўқитиш жараёни давом эттирилсин.

**Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов,
Ўқув - услубий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет
деканлари, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

1.3. Moodle тизимидағи барча ўқув материаллари талаб даражасида маҳсус форматда киритилиши таъминлансин, бунда ўзбек (кирилл ва лотин алифбосида) ва рус тилидаги оқимларга ўз курсига ва факултетига мос равишда жойлаштирилишига алоҳида эътибор каратилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлимни бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет деканлари, кафедра мудирлари

Муддат: 2020 йил 1 декабр

1.4. Масоғавий ўқитиши жараёнининг сифатини ошириш мақсадида юкландиган материалларни талабларга биноан мунтазам янгиланиши, аудио-видео-маърузалар (youtube га электрон ҳаволаси келтирилган ҳолатда) билан тўлиқ бойитилиши, баҳолаш мезонларига тўлиқ амал қилиниши ҳамда талабалар жавобини (тест, назарий саволлар, вазиятли масалалар ва амалий кўнкимлар) ўз вақтида баҳоланиши кафедра мудирлари томонидан назорат қилиниши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлимни бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлимни бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факултет деканлари, кафедра мудирлари

Муддат: 2020 йил 1 декабр

1.5. Жорий назорат бўйича киритилган тест ва назорат саволлари ҳамда вазиятли масалалар миқдори талабалар сонига нисбатан етарли даражада бўлиши таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлимни бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, таълим сифатини назорат қилиш бўлимни бошлиғи Ш.Қ.Адилов, факултет деканлари, кафедра мудирлари

Муддат: 2020 йил 1 декабр

1.6. Анъанавий ва масоғавий ўқитиши жараёнида кафедра мудирларининг талабалар давомати ва ўзлаштириши бўйича мунтазам

равиша мониторинг хисоботлари факултетларда таҳлили олиб борилсин ҳамда керакли чоралар қўрилсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, факултет деканлари ва муовинлари, кафедра мудирлари, гурух мураббийлари

Муддат: ҳафтада 1 марта

1.7.Moodle платформасида ўқув материалларининг талаб даражасида жойлаштирилмаганиниг ва баҳолаш мезонининг формула бўйича тўлиқ киритилмаган тиббий-педагогика факултетининг кафедра мудирлари (онкология, тиббий радиология, нормал ва патологик физиология, 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедралари) огоҳлантирилсин ва маъсулиятларини оширган ҳолда келтирилган камчиликларни бартараф этишлари таъминлансин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, тиббий - педагогика факултети декани А.А.Хамраев, онкология (Н.Э.Атаханова), тиббий радиология (М.Х.Исмоилова), нормал ва патологик физиология (Б.Ў.Ирисқулов), 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик (М.М.Акбаров) кафедра мудирлари

Муддат: 2020 йил 1 декабр

1.8.Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ўқув, ўқув-услубий, илмий фаолиятларининг сифатини ошириш максадида ҳар бир кафедра ўзини муаммолари, уларни ечими бўйича таклифлар киритсин.

Масъул: Ўқув ишлари бўйича проректор Ш.А.Боймуродов, Ўқув - услубий бўлими бошлиғи Ш.Ш.Массавиров, кафедра мудирлари

Муддат: 2020 йил 1 декабр

2. Кун тартибининг иккинчи масаласи “Клиник ординатурада ўқув, ўқув-услубий ва тарбиявий ишларининг ҳолати, камчиликлар ва истиқбол режалари” бўйича Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш

бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродовнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

2.1.Клиник ординатурадаги ўқитиш ҳолати ҳар бир кафедра кесимида таҳлил қилиниши ва камчиликларини қўрсатиб берган ҳолда уларни бартараф этиш йўллари бўйича маълумот берилсин.

Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов

Муддат: 2020 йил 10 декабр

2.2.Клиник ординатура йўналишлари бўйича қайси янги мутахассисликларни очилиши ёки фаолияти тўхтатилиши бўйича таклифлар киритилсин.

Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Илмий ва илмий- педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов

Муддат: 2020 йил 10 декабр

2.3.Клиник ординатурадаги мутахассисликлар кесимида ўқиш муддатлари қараб чиқилсин ва керакли таклифлар киритилсин.

Масъул: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Ф.Л.Азизова, Илмий ва илмий- педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Ж.Матмуродов

Муддат: 2020 йил 10 декабр

3. Кун тартибининг учинчи масаласи “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташабbus юзасидан талабалар билан онлайн тарзда олиб борилаётган ишлар” бўйича Ёшлар билан ишлаш проректори Т.А. Бобомуратовнинг маълумоти ахборот учун қабул қилинсин ва қониқарли деб ҳисоблансин (маъруза матнда келтирилган).

3.1. Декан ва кафедра мудирлари томонидан мураббийларни танлаш ва тайинлаш ҳамда уларни фаолиятига, жумладан пандемия

даврида анъанавий ва масофавий тарзда билим олаётган талабарни давомати, ота-оналари билан мулоқот олиб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши таъминлансин, шунингдек анъанавий ўқитишнинг афзаллиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А.Бобомуратов, деканлар, Мураббийлар кенгаши раиси
О.М.Миртазаев, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

3.2. Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш мақсадида ТТА спорт клуби фаолияти ва ТТА ”Шифокор” спорт комплексида талаба ва ходимларни доимий равища спорт билан шуғулланишлари даражасини ошириш бўйича ишлар жадаллаштирилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А. Бобомуротов, деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

3.3. Барча кафедраларда тасдиқланган режаларидағи ишларга эътиборлари кучайтирилсин, шунингдек маънавий ва маърифий ишларга масъул қилиб етарли тажрибага эга бўлган ўқитувчиларни тайинлашлари таъминлансин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А. Бобомуротов, деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

3.4. Барча кафедраларда маънавият ва ахборот дарс соатларини онлайн равища амалга оширишдаги ишлари жадаллаштирилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш проректори Т.А. Бобомуратов,
деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат: ўқув йили давомида

3.5. ТТА да “Фахрийлар кенгаши” ташкил этилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А. Бобомуротов, деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат: 2020 йил 1 декабр

3.6. ТТАнинг 100 йиллигига бағишенгандын чора-тадбирлар, жумладан ТТА фаолияти бўйича хужжатли фильм ва роликлар яратилиши, музей очилиши ҳамда хотира китобини якунлаш ишлари жадаллаштирилсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А. Бобомуратов, Мураббийлар кенгаши раиси О.М.Миртазаев,
деканлар, кафедра мудирлари**

Муддат: 2020 йил 31 декабр

3.7. Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ҳалқ таълими туман бўлими таркибига кирувчи умумтаълим мактаблар билан Тошкент тиббиёт академияси кафедраларининг (10 та) ҳамкорлик ишлари режа бўйича олиб борилиши таъминлансан ва назоратга олинсин.

**Масъул: Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Т.А. Бобомуратов, деканлар, бириктирилган кафедра мудирлари –
Р.М.Абдуллаева (Ўзбек ва хорижий тиллар), А.А. Усманходжаева
(Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия),
Б.Ў.Ирисқулов (Нормал ва патологик физиология), С.Д.Норқулов
(Ижтимоий фанлар), Р.Ж.Усмонов (Анатомия ва клиник анатомия),
Р.Н.Мелибоева (Педагогика ва психология), М.У.Кулманова (Тиббий
ва биологик кимё), М.И.Базарбаев (Информатика ва биофизика),
Ф.Х.Азизова (Гистология ва тиббий биология), Г.К.Худойкулова
(Жамоат саломатлиги, соғлиқни саклашни ташкил этиш ва
бошқариш).**

Муддат: ўқув иили давомида

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ректорат Кенгаши ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби

Г.А. Исмаилова

ТТА Ўқув ишлари бўйича
проректор

Ш.А.Боймурадов

ТТА Илмий ва инновацион ишлар
бўйича проректор

Ф.Л.Азизова

ТТА Ёшлиар ва иқтидорли талабалар
билин ишлаш бўйича проректор

Т.А. Бобомуратов

ТТА Даволаш ишлари бўйича
проректор

М.Ш.Каримов

Ўқув-услубий бўлими бошлиги

Ш.Ш.Массавиров

Хукуқшунос

А.А.Алимов